



Journal of Natural Science

№4
(2021)

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ХАЙЪАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Кодиров Т- к.ф.д, профессор4. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор5. Султонов М-к.ф.д, доц6. Яхшиева З- к.ф.д, проф.в.б.7. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.8. Хакимов К –г.ф.н., доц.9. Азимова Д- б.ф.н.10. Мавлонов Х- б.ф.д., доц11. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.12. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)13. Мухаммедов О- г.ф.н., доц14. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)15. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц16. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чикарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ
РОЛИ**

Саидалимов Ахрор- ЖДПИ, биология йўналиши II-босқич магистри
saydalimovaxror7@gmail.com

“Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021-йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931 Қарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этилади.

Мамлакатимизда компетенциявий ёндашувга асосланган янги давлат таълим стандартларининг жорий этилиши ўрта мактаб ўқитувчилари зиммасига қатор долзарб вазифаларни қўймоқда. Шу билан бирга, 2017-2018 - ўқув йилидан мактабларда 11 йиллик ўрта таълимнинг жорий этилиши ҳам, ўз навбатида, ўқитувчиларнинг малака оширишга бўлган янги эҳтиёжларини келтириб чиқарди. Айти пайтда вужудга келган шарт-шароитлар ва ўқитувчиларнинг юқоридаги келтирилган эҳтиёжлари малака оширишнинг шакли, мазмуни ва уни амалга ошириш механизмларини қайта кўриб чиқишни ва бу жараёнга тегишли ўзгартиришларни киритишни тақозо этмоқда.

Хусусан, шу кунларда юқоридаги эҳтиёжлардан ва улар олдида кўндаланг турган муаммолардан келиб чиққан ҳолда, биология фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни ва шакллари такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди. “Биология фанини ўқитиш методикаси” модулининг ишчи ўқув дастури биология фани ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у биология фани ўқитувчиларига ўқитишнинг замонавий методлари мазмуни ва моҳиятини очиб беради.

Модулнинг мақсади: умумий ўрта таълим мактаблари биология фани ўқитувчиларининг замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, биология фанини ўқитиш шакллари компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари: ўқитувчиларнинг биология фанини ўқитишда ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш учун замонавий педагогик технологиялар, фаол ва интерфаол методлар, уларни қўллаш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш; биология дарсларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш кўникмаларини ривожлантириш. Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

биология фанини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўқитишнинг фаол, интерфаол методларини;

биология фанини ўқитиш шакллари (дарс, дарсдан ташқари ишлар, синфдан ташқари машгулотлар, экскурсиялар)ни компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш; дарс ишланмаларини ишлаб чиқишга қўйилган замонавий талабларни билиши;

биология фанини ўқитишда фаол, интерфаол методларини қўллаш олиш; биология фанининг мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш;

замонавий талаблар асосида дарс ишланмасини ишлаб чиқиш;

биологиядан ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини баҳолаш учун ўқув топширикларини тузиш;

лаборатория машгулотларини ўтказиш;

биологиядан масалалар ечиш;

дарсларни кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига;

биология фанини ўқитишда дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машгулотлар, экскурсияларни компетенциявий ёндашув асосида ташкил қилиш;

лаборатория машгулотларини ўтказиш; биологиядан масалалар ечиш малакаларига;

замонавий педагогик технологиялардан касбий фаолиятда фойдаланиш;

замонавий талаблар даражасида дарсларни ташкил қилиш ва ўтказиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар “Биология фанини ўқитиш методикаси” модулидан машгулотлар назарий ва амалий шаклда олиб борилади. Назарий машгулотларда биология фанидан яратилган ўқув-услугий мажмуалар мазмуни, дарс ишланмаларига қўйилган талаблар, биологиянинг ўзига хос хусусиятлари ва фанини ўқитиш методикаси ҳақида маълумотлар берилади. Амалий машгулотларда дарс ишланмаларини замонавий талаблар асосида яратиш, ўқувчилар билимини баҳолаш, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машгулотлар, экскурсияларни ўтказиш, дарсларни кузатиш

ва таҳлил қилиш ўргатилади. Машгулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади. Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги мазкур модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахбороткоммуникация технологияларини қўллаш”, блоклари, “Биология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар” модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги мазкур модул “Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнларининг ҳукукий-меъёрий асослари”, “Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат” ва “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” блокларидан кейин ўрганилади. Унда юқоридаги блокларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услубий жиҳатларини биология фанига татбиқ этиш имкониятлари очиқ берилди. Модулнинг таълимдаги ўрни Тингловчиларни биология фанини ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари ва методлари билан таништириш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон Қарори (3-илова).
2. G'ofurov A.T., Tolipova J.O. va b. Biologiya o'qitish metodikasi. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. Toshkent, 2013.
3. Tolipova J.O., Umaraliyeva M.T. Botanika darslari (O'qituvchi kitobi) Umumiy o'rta ta'lim maktablarining biologiya o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma. “Tafakkur” nashriyoti. (5-sinf) Toshkent, 2016.
4. Tolipova J.O., Umaraliyeva M.T., Abdurizayeva S. Botanika darslari (O'qituvchi kitobi). Umumiy o'rta ta'lim maktablarining biologiya o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma. (6-sinf) “Tafakkur” nashriyoti. Toshkent, 2016.
5. Mavlonov O., Toshmanov N. Zoologiya darslari. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining biologiya o'qituvchilari uchun o'quv-metodik qo'llanma. (7-sinf) “Tafakkur” nashriyoti. Toshkent, 2012.
6. Muradova, D. (2020). https://jspi.uz/ru/ilmiy-jurnal/ТАБИЙЙ_МАНБАЛАР_АСОСИДА_АЦЕТИЛЕН_СПИРТЛАР_ВА_НИТРИЛЛАР_СИНТЕЗИНИНГ_ПЕДАГОГИК_АСОСЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI.*

- 7.Rashidova, K. (2020). ISSN раками: 2181-6131 КИМЁ ФАНИНИ УКИТИШДА КУЛЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 8.Muradova, D. (2020). УДК 378. 174 ATROF-MUHITNING IFLOSLANISHI, UNING TURLARI VA EKOLOGIK XAVFXATARMAVZUSINIO’QITISHDA INTERFAOL METODLARNING QO’LLANILISHI. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 9.Muradova, D. (2020). УДК 378. 174 ТАБИЎ ФАНЛАРНИ О’QITISHDA INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 10.Шарипов, Ш. (2021). O‘quvchilarda kimyoviy tushunchalarni hosil qilishning pedagogik asoslari. *Журнал естественных наук*, 1(1). извлечено от <https://natscience.jspi.uz/index.php/natscience/article/view/300>
- 11.Egamberdiyev, I. (2020). Анорганик кимёни ўқитишда тарихий материаллардан дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш шакллари ва методлари. *Журнал естественных наук*, 1(1), 8-13. извлечено от <https://natscience.jspi.uz/index.php/natscience/article/view/178>
- 12.Махаммадиев, Д. (2020). МАЪНАВИЙ - АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА ҲУЖАЙРА ТУЗИЛИШИ ИНТЕГРАЦИЯСИ АСОСИДА БЎЛАЖАК БИОЛОГЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ. *Журнал естественных наук*, 1(1). извлечено от <https://natscience.jspi.uz/index.php/natscience/article/view/195>
- 12.Sharifov, G. (2020). МАКТАВ КИМҲО КУРСИДА ЕЛЕКТРОЛИТИК DISOSATSIYALANISH NAZARIYASINI O‘QITISH METODIKASI. *Журнал естественных наук*, 1(1), 68-79. извлечено от <https://natscience.jspi.uz/index.php/natscience/article/view/302>
- 13.Rashidova, K. (2020). ISSN раками: 2181-6131 КИМЁ ФАНИНИ УКИТИШДА КУЛЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
- 14.Сиддикова, Ш. А., & Яхшиева, З. З. (2021). НАУЧНЫЙ ПОДХОД ОЦЕНИВАНИЯ ЗНАНИЙ НА ОСНОВЕ ВОПРОСОВ PISA. *Журнал естественных наук*, 1(4).